



Оғрик

ИНСОННИЙЛИКНИНГ



«ПРОПИСКАСИ» БЎЛМАЙДИ

Аmmo хануз кўзимиз очилмаяпти. Талабалик пайтимизда ётоқхонада “СурҚаш”, “СамБух”, “ФАН” сингари гуруҳларга бўлиниб, бир-бирига тиш қайрайдиганларни кўп учратганмиз. Афсус бу иллатлар ҳамон йўқолмаяпти. Ижтимоий тармоқларда “қурук”, “харип”, “индеец” сингари ҳақоратомуз сўзлар билан бир-бирига тош отаётганлар ҳам аслида бир-бири билан қирпичоқ бўлиб, охир-оқибат ўрис босқинчисига қул бўлган боболаримизнинг бугунги авлодлари-да?

Дунёнинг энг қудратли давлатларидаги тараққиёт сири ҳам шундай иллатларнинг йўқлигида эмасмикин?


(Давоми 6-саҳифада)

«МОНЕ»НИ БИЛАМИЗ

Мотуридий мақбараси қаердалигини билмаймиз

Асосий мақсадимиз Самарқандда ётган улуғларни зиёрат қилиш бўлгани учун бу масканлардан чиқиб Имом Мотуридий, Хўжа Аҳрори Вали, Баҳовуддин Соғаржий, Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳларига ҳам бордик. Афсуски, айниқса имом Мотуридий ва Хўжа Аҳрори Вали зиёратгоҳларида деярли зиёратчи учратмадик.

(Давоми 3-саҳифада)



ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистонда экотизимларни тиклаш ва сақлаш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида бўлиб ўтган тадбирда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Анас Файёд Карман, Глобал экологик жамғарма (ГЕФ) бош директори ва раиси Карлос Мануел Родригес (онлайн), Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг (ИУСН) Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий идораси директори Оливер Аврамовски (онлайн), вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



А. Абдуҳакимов ўз сўзида мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли экологик ислохотлар ҳақида гапириб, бу борада қўллаб-қувватлаётганлари учун хорижлик ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

«Бугун бутун мамлакат бўйлаб экотизимларнинг йўқолиб бориши ва ландшафтларга нотўғри таъсир кўрсатилаётгани кузатилмоқда. Шу маънода ушбу лойиҳа ўз вақтида қабул қилинган муҳим ташаббус бўлди. Биз 6 та миллий МЕТХ ва 7 та давлат ўрмон хўжалигини қамраб олган 10 та асосий биологик хилма-хиллик зоналарида Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимни МЕТХ мустаҳкамлаш лойиҳаси қўллаб-қувватланилаётганини олқишлаймиз. Асосийси, республика ҳукума-

тининг бу саъй-ҳаракатлари БМТнинг Ўн йиллиги доирасида илгари сурилган экотизимларни тиклаш бўйича мақсадларига мос келади», — деди вазир.

«Ландшафтларни тиклаш ва ҳимоялашни комплекс бошқариш» лойиҳаси Ўзбекистон табиий экотизимларини тиклаш ва барқарор бошқариш, ерлар деградацияси, идоралараро мувофиқлаштириш, биологик хилма-хиллик ва экотизимларни тиклаш ва сақлаш бўйича саъй-ҳаракатларни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларга қарши курашда ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

«БМТТД, ИУСН ва Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўртасида янада кенг қамровли ҳамкорликни кенгайтириш учун ГЕФ ёндашувини амалда қўллаётганини кўриб тўғганидан бениҳоя мамнунман. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ерлар деградацияси ва биологик хилма-хилликлар йўқолишининг олдини олишга ёрдам бериши тайин», деди видеомурожаатида Карлос Мануел Родригес.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон жаҳоннинг нуфузли экологик ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда. Жумладан, жорий йилнинг феврал ойида мамлакатимизда фаолияти йўлга қўйилган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетиди (Грэн Университет) Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг ваколатхонаси очилганлиги бунинг яққол далилидир.

Тадбир давомида иштирокчилар ушбу лойиҳанинг Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш соҳасини ривожлантириш борасидаги имкониятларни янада кенгайтиришини муҳокама қилдилар.

Ўз мухбиримиз.



Адолатли таълим тизими татбиқ этилади

Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлиги саналади. Унинг ҳар томонлама тараққий этишида олий таълим тизимининг ўрни беқиёс. Шу боис, юртимизда замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш янги босқичга олиб чиқилди.

Муносабат

Ушбу ўзгаришларни қуйдаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2016/2017 ўқув йилида мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 70 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 214 тага етди. ОТМ сони ортиши билан бирга, улардаги қабул кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларига қабул квотаси 2016 йилги 9 фоиздан 42 фоизга етказилди.

Шунингдек, педагог ва талабаларнинг илм олиши, ўқиб изланишлари учун муайян шарт-шароит яратиб берилаётгани боис, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ҳам ортиб бормоқда.

Ушбу соҳада эришилаётган ижобий натижалар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин. Аммо, барчамиз учун устувор бўлган вазифа бу ўтган вақт давомида

орттирилган тажрибалардан тўғри хулоса қилган ҳолда соҳани янада тараққий этириш, олий таълим олиш истагида бўлган ёшларимиз учун кенгроқ имкониятлар яратиб беришдир.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган «Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ёш авлод камолоти йўлида олдимизга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал хужжат бўлиб хизмат қилади, десак асло янглишмаймиз.

Бинобарин, ушбу хужжатда белгиланганидек, эндиликда 2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бе-кор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мунтахассисликлари бўйича кундузги

таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади. Албатта, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно саналади.

Шунингдек, давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади. Бунда бакалаврият ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади.

Яъни, таълим гранти биринчи курсда олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилса, иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаол талабалар орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади.

Айтиш мумкинки, ушбу адолатли таълим тизимининг татбиқ

этилиши минглаб ёшларимизга рағбат бўлиб, уларни ўқишга киргандан кейин ҳам соғлом рақобат руҳида ўз устиларида янада кўпроқ изланишга ундайди. Чунки, амалдаги тизимда арзимас бир кичик хатоликни, деб контарктга тушиб қолган абитуриентлар оилавий ва иқтисодий муаммолари сабаб бир йил вақтини йўқотишга ёки бўлмаса, 4 йил қийналиб контракт тўлаб таълим олишга мажбур бўлиб келишаётган эди. Эндиликда эса бу имкониятдан айнан шундай ёшлар самарали фойдаланишлари мумкин бўлади.

Фармон билан киритилаётган яна бир муҳим ўзгариш бу — 2025 йилдан бошлаб, давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари томонидан шакллантириладиган олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда 4 йиллик давр учун тасдиқланишидир. Ушбу тизим ҳам келажакда замон талаблари асосида кадрларни тайёрлаш ҳамда битирувчи кадрлар учун муносиб иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

«МОНЕ»НИ БИЛАМИЗ



Мотуридий мақбараси қаердалигини билмаймиз

Дам олиш кунлари Самарқанддаги баъзи зиёратгоҳларга бориб, бир нечта ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Аввало, ҳозир айти туризм мавсуми бошланган пайт бўлгани учунми, тарихий масканларда зиёратчилар кўп эди. Мисол учун Ҳазрати Дониёр, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним мажмуасида нафақат маҳаллий, балки хорижлик саёҳатчилар ҳам анчагина эди.

Асосий мақсадимиз Самарқандда ётган улуғларни зиёрат қилиш бўлгани учун бу масканлардан чиқиб Имом Мотуридий, Хўжа Аҳрори Вали, Баҳовуддин Соғаржий, Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳларига ҳам бордик. Афсуски, айниқса имом Мотуридий ва Хўжа Аҳрори Вали зиёратгоҳларида деярли зиёратчи учратмадик.

Шунда ўтган йили Бухорога саёҳат учун борганимизда у ердаги етти пир

Мазкур ҳужжатда, шунингдек, давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишнинг минимал ўтиш бали тегишли бакалаврият таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўтиш балларини ҳисобга олган ҳолда Давлат комиссияси томонидан белгиланиши, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат талабларининг енгиллаштирилиши ҳамда имтиёз билан давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан такроран фойдаланишга рухсат этилмаслиги каби кўплаб ижобий янгиликлар назарда тутилган.

Шубҳасиз, ушбу Фармон ва унда белгиланган вазифалар йигит-қизларимизга ўз қизиққан соҳа ва йўналишларда таълим олиб, билимларини янада мустаҳкамлаш, шу орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшадиган етук кадрлар бўлиб камол топишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Махфират ХУШВАКТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

зиёратгоҳларига одамлар навбатда туриб кираётгани ёдимга тушди. Тўғри, эҳтимол у ерда ҳам бундай гавжумлик доимий равишда бўлмас, аммо биз ушбу зиёратгоҳга борган кунларимиз ҳам дам олиш, юқорида айтганимдай, сайёҳлик мавсумига тўғри келаётган эди.

Айтмоқчиманки, ислом дини қуввати учун катта ҳисса қўшган, бутун ислом оламига машҳур алломалар хоки айнан Самарқандда жойлашганини бугун, афсуски, нафақат бошқа вилоят зиёратчилари, балки самарқандликлар ҳам яхши англамайди. Гарчи зиёрат кўнгил хоҳиши, руҳ ороми учун амалга оширилса-да, бу жараёнда инсон бевосита тарих билан кизиқади, маънавий илдизларимиз нелар билан озиқланганига яна бир қарра эътибор беради. Ўзига бир назар ташлайди, бу ҳаётда нималар билан шуғулланаётганию, нималарни бой бераётгани ҳақида мушоҳада юритади. Шу маънода ҳам ушбу зиёратгоҳларга ташриф киши кўнглини поклайди, эзгу амаллар қилишга йўллайди. Тўғриси, ҳаёлимда ҳатто Самарқандда ҳам етти пир йўналишини ташкил этиш керак эмасмикан, деган фикрлар ҳам ўтди. Аммо олимлар билан суҳбатлашиш асосида бу фикрларим биров хато эканлигини тушуниб етдим.

Пир тушунчаси туркийларга хос

— Пир тушунчаси фақат туркий дунё мамлакатлари кўпроқ эъзозландиган ва ихлос қиладиган тушунча, — дейди Имом Бухорий халқаро маркази зиёрат туризмни ривожлантириш илмий бўлими раҳбари Барот Амонов. — Аммо бутун дунёдаги ислом давлатларида бу тушунча унчалик шаклланмаган ва Имом Бухорий, Имом Мотуридий каби алломаларнинг динимизга қўшган ҳиссаси беқиёслиги билан улуғланади. Биз ушбу зиёратгоҳларни бир йўналишда қилиб уларнинг даражасини қайсидир маънода тушириб қўйишимиз мумкин. Сабаби, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида улуғ ишларни амалга оширган. Ушбу бобокалонларимизнинг меросини, улар амалга оширган ишларни доимий равишда гапириб боришимиз жуда муҳим, деб ўйлайман. Тўғри, бугун хорижда, хусусан, ислом давлатларида зиёрат туризми тарғиботи бўйича қатор ишлар олиб борилапти. Аммо афсуски, ушбу тарғибот тадбирларида мамлакатимизда ташкил этилган

халқаро марказлар вакиллари таклиф этилмапти. Ваҳоланки, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий илмий тадқиқот марказлари ушбу алломалар асарларини тадқиқ этиш, кенг оммага етказиш каби вазифалар билан шуғулланади.

Айтиш керакки, Имом Мотуридий ором топган Чокардиза қабристони-нинг ўзида 400 га яқин Муҳаммад исмли авлиёлар хоки кўним топган. Шунингдек, Абу Лайс Самарқандий, Умар Насафий, Бурҳониддин Марғинович каби улуғ алломаларимиз қабрлари ҳам айнан шу ерда. Бу маскан зиёрати кишига нафақат руҳий ором, балки тарихимиз, Самарқандда яшаб ўтган олим уламолар ҳаёти ҳақида ҳам кўп билим беради.

Тарғиб янгича бўлиши керак

Бутун ислом оламига машҳур ушбу зиёрат масканига одам камлиги уларнинг бу ҳақда билмаслигиданми ёки молиявий сабаблар ҳам бормикан? Бу ҳақда саёҳат ташкил этувчи фирма раҳбарлари билан суҳбатлашдик.

— Биз асосан зиёратчилар талаблари асосида иш юритамиз, — дейди Аббос Ҳазратқулов. — Мисол учун, Самарқандга боргач, албатта Регистон, Амир Темур мақбараси ёки шунга ўхшаш обидаларни кўришни ният қилган саёҳатчиларга уларни мажбурлаб бошқа йўналиш белгилай олмаймиз, албатта. Табиийки, саёҳатчиларнинг Самарқандда бир кун эмас, икки кун қолиши биз учун ҳам даромадлироқ бўлар эди. Чунки сиз айтган зиёратгоҳларга ҳам бориш учун Самарқандга бир кунлик саёҳатнинг ўзи камлик қилади.

Аммо бу мижозларнинг ўзлари халқ қилиши керак бўлган танловдир. Афсуски, сиз айтган, ҳатто хориждан ҳам хос зиёратчилар излаб келадиган, улуғ алломалар кўним топган маконлар етарлича тарғиб қилинмаяпти, деб ўйлайман. Тўғри, телеканалларда улар ҳақда қатор кўрсатувлар берилиши, катта мақолалар чоп этилаётган бўлиши мумкин. Аммо бугун глобал тармоқ ривожланган, одамлар асосан қисқа видео кўриб, қисқа матнлар билан кифояланиб қолаётган бир пайтда ушбу зиёратгоҳлар ҳам ўзига хос тарзда аҳолига намойиш этилиши лозим.

Кейинги йилларда зиёрат туризми, уни ривожлантириш борасида республика микёсида қатор ташаббуслар илгари сурилди, Самарқандда ҳам бу бўйича халқаро доирадаги конференциялар ўтказилди.

Зиёрат маршрутлари кўпам ўзгармаган

— Вилоят «Вақф» хайрия жамоат фондига қарашли зиёрат туризм объектларига 2023 йил давомида зиёрат туризми бўйича 261 783 та хорижий ва 1 277 733 та маҳаллий жами

1 539 516 та сайёҳлар ташриф буюрган, — дейди вилоят туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Раҳмонов. — Бунда асосий ташриф объектлари сифатида Шоҳи Зинда зиёратгоҳи, Хўжа Дониёр, Ҳазрати Хизр масжиди, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ҳамда Рухобод мақбараси асосий сайёҳлар оқимини ўзига жалб қилаётган зиёратгоҳларимиздан бўлди.

Самарқанд вилоятида 147 та зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар мавжуд. Таъкидлаб ўтиш жоиз, бугунги кунга келиб вилоятимизнинг туризм салоҳиятини ислом дини мамлакатларидаги кенг тарғиботи натижасида зиёрат мақсадида сайёҳлар сони ортмоқда. Натижада 2023 йилда Самарқанд вилоятидаги мавжуд зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларга 500 000 дан ортик сайёҳларни жалб этиш бўйича режа қилинган бўлса, 2024 йилга зиёрат туризм бўйича 700 000 дан ортик келадиган туристларни жалб қилиш режалаштирилган. Қайд этиш жоиз, жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида вилоятимиздаги зиёратгоҳларга 150 мингдан ортик сайёҳлар ташриф буюрди.

Вилоятимиздаги зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга асосан Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Туркменистон каби давлатлардан сайёҳлар ташриф буюраётган бўлиб, бугунги кунда аҳоли сонининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қилувчи Малайзия, Сингапур ва Индонезия давлатларидан ҳам зиёрат туризм йўналишида сайёҳларни кенг жалб қилиш мақсадида бир қатор муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Таҳлил ва ҳисоб-китобларга кўра, Имом Бухорий меросига кизиқувчи зиёратчилар Индонезия, Туркия, Покистон Малайзия каби давлатлардан, Абу Мансур Мотуридий меросига кизиқувчи зиёратчилар Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш каби давлатлардан, Хўжа Аҳрори Валий ва Маҳдуми Аъзам издошлари бўлган зиёратчи Индонезия, Малайзия, Туркия, Татаристон ва Чеченистон каби давлатлардан, Хўжа Дониёр ҳамда яҳудийлар дини меросига талабгор зиёратчилар Исроил, АҚШ, Франция ва Россиядан жалб қилиш имконияти мавжуд.

Самарқанд вилояти Пайарик туманида Имом Бухорий мажмуасида Зиёрат туризм кластери ташкил этиш бўйича йирик кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуа ҳудудида 7 та меҳмонхона, 3 та чойхона, супермаркет, бозорча, миллий ҳунармандчилик буюмлари сотиш айвони, ҳаммом, таҳоратхона, қушхона, автобус ва енгил автомобилларни вақтинча сақлаш майдонлари, автостанция қурилиши белгиланган.

Гулрух МЎМИНОВА

Донишмандларнинг шундай фикри бор: “Мақтаниш ёмон, лекин мақтанадиган нарсанг бўлмаса ундан ҳам ёмон”. Мен мақтанмоқчи, улуғламоқчи бўлган улуғ бир маскан бор. Бу улуғ аждодларимизга бешик бўлган, илму фан манзили Бухородир. Мана шундай қайноқ меҳр-муҳаббат ила бир фарзанд сифатида юрагимда фахр ва ифтихор туйғулари жўш урди! Бунинг асосий сабаби Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифидир. Давлатимиз раҳбарининг бухороликлар билан бўлган учрашуви ниҳоятда самимий ўтди.

тарбияси ҳамда камолоти йўлида ибрат мактаби сифатида намоён бўлади. Бугун республикамизда олиб борилаётган кенг ислохотлар мазмунида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш, уларни жамиятнинг фаол кишиси сифатида қўллаб-қувват-

ТАЪЛИМ, ТАЪЛИМ, МУАЛЛИМ...



шу орқали вилоятда туризмни яхшилашга эришиш мумкинлигини алоҳида қайд қилиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, тарбия ва таълим тушунчалари ҳамisha ён-ма-ён тилга олинади. Боиси, тарбияли инсоннинг бир сифати унинг билимли бўлганлигидадир. Ўзбек миллати азалдан башарият тафаккури хазинасига улкан ҳисса қўшиб келган. Айниқса, Бухоронинг улуғ алломаю фузалоларининг жаҳон тамаддунидаги ўрнини бугун бутун дунё тан олган. Худди шу жиҳатга эътибор қаратган Юртбошимиз фан ва ислом цивилизациясига ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг бой меросини тарғиб қилиш бугуннинг асосий муамоларидан бири эканлигига диққат қаратди. Аждодларимиз меросини тарғиб қилиш, уларни дунёга танитиш учун халқаро миқёсида конференциялар ташкил қилиш зарурлигини айтиб ўтди.

Мамлакат тараққиётида таълимнинг ўрни катта. Юртимизда таълим тизими жаҳон стандартлари даражасида юксалаётганлиги айни ҳақиқат. Бу борада юртимизда кўплаб ислохотлар олиб борилди ва борилмоқда. Ихтисослашган мактаблар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ҳар бир вилоятда “Президент мактаблари” ташкил этилиши соҳанинг жаҳон стандартларига ўтаётганлигидадан далолат беради, десак муболаға бўлмайди, албатта. Машҳур ёзувчи Пиримкул Қодиров “Юлдузли тунлар” асарида қайд этганидек: “Буюк ишларни буюк истеъдодларсиз қилиб бўлмайди”. Бундай истеъдодларнинг бешиги эса мактабдир. Бинобарин, давлат раҳбарининг “таълим, таълим, муаллим...” деган фикрлари бутун йиғилиш иштирокчиларини тўлқинлантириб юборди. Бу фикр

остида муаллим шахсига хурмат, уни эъзозлаш туйғуси мавжудлигини ҳис қилдим.

Бугун мамлакатимизда ўқувчиларга яратилган имкониятлар кенг. Таълим олиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Айниқса, тил ўрганишга катта эътибор қаратилган. Президент томонидан 2+1 лойиҳасининг йўлга қўйилди. Яъни мактаб ўқувчиларини иккита хорижий тилни ҳамда касб-ҳунар эгаллаш билан боғлиқ таклифлари бугун амалда ўз натижасини бермоқда. Бугун ёшларимиз инновацион таълим қуршовида. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда ДУАЛ таълим – яъни ўқиб туриб ишлаш имконияти берилган. Бунинг замирида эса ўсиб келаётган ёшларни улуғ аждодларимизнинг “Меҳнатсиз турмуш —ўғрилиқдир”, — деган мезонлари асосида тарбиялаш назарда тутилганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Юртбошимиз ўз маърузаларида хотин-қизлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Зеро, у кишининг... Одатда, биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида хурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”, — деган сўзлари аёлларга ишончнинг ифодаси эмасми?! Аёлларга эътибор бу — жамиятга эътибор. Чунки айнан аёллар ўсиб келаётган ёш авлод



“Халқнинг розилига эришиш учун одамларнинг дарди билан яшаш керак”, — деган самимий фикрлар ҳар қандай инсон қалбида юртига бўлган меҳр-муҳаббатнинг жўшишига сабаб бўлади, деб ўйлайман. Мана шундай ишчанлик кайфияти билан давлатимиз раҳбари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги қатор муаммоларнинг ечими учун ўз таклифларини бериб ўтди.

Хусусан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш асосида янги иш жойларини яратиш, шу орқали ёшларни иш билан таъминлаш мумкинлиги алоҳида қайд қилинди.

Дарҳақиқат, ёшларга берилаётган эътибор, улар учун яратилган имкониятлар миллат келажагини, унинг ривожланиш даражаси қандай бўлишини белгилайди. Шу маънода, мамлакатимизда навқирон авлодга эътибор нафақат моддий ва маънавий жиҳатдан, балки уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилаётганлиги билан ҳам характерланади.

Бухоро — қадимий шаҳар. Бу юртга ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидан минглаб саёҳлар ташриф буюради. Давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳридаги қадимий масканларини ободонлаштириш,

лаш сингари масалалар асосий ўрин тутганлигини кўришимиз мумкин. Чунки жамият тараққиёти, миллатнинг тақдири аёлларнинг жамиятдаги ўрни билан белгиланади.

Бир сўз билан айтганда, учрашувда мактабгача ва мактаб таълими тизими, техникум, коллеж ва олий ўқув юртларида ечимини кутаётган қатор масалаларни ҳал этиш ва ижобий натижаларга эришиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бухоро давлат педагогика институтида ҳам ана шу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди. Шундан келиб чиқиб, институтимизда педагогик жамоамиз, мутахассисларимиз мазкур йўналишдаги ишларни қайта кўриб чиқиб, тубдан яхшилаш, сифати ва самардорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳаракатни бошлаб юбордик.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика
институтининг ректори, педагогика
фанлари доктори, профессор

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Замонавий дунёда илм-фан, технология ва инновациялар мамлакатнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди ва бу жараёнда инсон капиталининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун, “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга оширишнинг асосий ғояларидан бири инсон капитални ривожлантириш бўлиб, бу аҳолининг эҳтиёжлари ва халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимларини яратишни назарда тутлади.

Хусусан, “Инсон капитални ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олди-га қўйган стратегик вазифалардан бири” эканлигини давлат раҳбари ҳам 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида таъкидлаб ўтган эди.

Стратегиянинг 2023 йилда мазкур йўналиш бўйича белгиланган тадбирлари ижроси таҳлил қилинганда, ҳукумат томонидан муҳим қадамлар ташланганини кўришимиз мумкин. Чунончи, таълим соҳаси инсон капиталининг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, ижодий ёндашув ва касбий маҳоратни ривожлантиришга хизмат қиладиган таълим тизимини яратишга қаратилган.

Жумладан, давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган хусусий сектор вакиллари учун банк кредитлари бўйича биноларни гаровга қўйиш ҳуқуқларининг берилиши ва кўп қаватли уйларда ёки шахсий уй жойларда мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш имкониятларининг яратилиши мактабгача таълим муассасалари сонининг 33942 тага етишига ва 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 74,0 фоизга ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Таълим соҳасидаги муҳим жиҳатлардан яна бири бу — умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни жалб қилишдир. Мазкур масалага мисол сифатида 2023 йилда “E-auksion” электрон савдолари орқали 4,79 гектар ер майдони нодавлат умумтаълим муассасаларини қуриш учун ажратилганини келтириш мумкин. Бу эса келажакда таълим хизматларининг хилма-хиллиги ва уларнинг сифатини оширишга қўмаклашади. Шунингдек, хусусий секторнинг жалб этилиши орқали таълим муассасаларида замонавий ўқитиш усуллари,

технологиялар ва дастурлар жорий этилиши мумкин.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ошириш мақсадида халқаро имтиҳонларда юқори балл олган ёшларнинг харажатларини қоплаб бериш бўйича давлат хизматлари йўлга қўйилди (2023 йилда мазкур хизмат йўлга қўйилганидан бошлаб ёшларнинг 35,6 миллиард сўмлик харажатлари қоплаб берилди) ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 800 турдаги танловлар, мусобақалар ва ўйинлар ўтказилди.

Ёшларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш ҳамда уларнинг юқори даромадли соҳаларда қулай ишлашлари учун шароитлар яратиш мақсадида <https://uzbekcoders.uz> платформасида АКШнинг Coursera компанияси курслари ташкил этилди, натижада 215 мингдан ортиқ ёшлар мазкур курсларда қамраб олинди. Шунингдек, спорт билан шуғулланувчи ёшлар сонини ошириш мақсадида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда яшаётган ёшлар ўртасида спортнинг 11 тури бўйича беш босқичли маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика даражасида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Глобал инновацион индексдаги паст кўрсаткичлар бўйича аниқ чора-тадбирлар режасининг тасдиқланиши, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини оширишга бўлган интилишини кўрсатмоқда. 2023 йилги Глобал инновацион индекс рейтингиде Ўзбекистон 132 мамлакатлар орасида 82-ўринни сақлаб қолди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг муҳим жиҳатларидан яна бири бу соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Миллатнинг саломатлиги – унинг фаровонлигининг асоси. Тиббиётга инвестициялар киритиш, замонавий



тиббий марказларни ташкил

этиш ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш соғлом ва самарали жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг жисмонан ва руҳан фаровонлигига ғамхўрлик қилишга шароит яратиб беради.

Стратегия доирасида 2023 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди, хусусан оналар ва болалар саломатлигини мустахкамлаш ҳамда касалликларни олдини олиш мақсадида:

8,6 миллион (92%) репродуктив ёшдаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди, 2,2 миллион ҳомиладор ва эмизадиган аёлларга 308 116 кадок йод препаратлари, 5,9 миллион 35 ёшгача бўлган аёлларга 636 129 кадок темир препаратлари ва 168 389 кадок фолий кислотаси берилди;

6-23 ойлик 416 655 нафар болалар биринчи босқичда ва 175 592 нафар болалар иккинчи босқичда 53,3 миллион (пакет) микроэлементлар кукунлари, 3-15 ёшдаги 8,4 миллион болалар 847 371 кадок йод препаратлари билан таъминланди ва 2-10 ёшдаги 6,3 миллион болалар (99%) дегельминтизациядан ўтказилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ижтимоий адолат ва хилма-хиллик ҳам муҳим ўрин тутди. Жинси, ижтимоий мақоми ёки этник мансублигидан қатъи назар, тенгликни таъминлаш ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини амалга ошириши мумкин бўлган жамиятни шакллантиришга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида, 2023 йилнинг 15 октябридан бошлаб 28 та туман (шаҳар)да “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Аёлларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиб бориш ва уларга систематик равишда ечим топиш мақсадида «Xotinqizlar.uz» деб номланган ягона миллий интерактив платформа ишга туширилди. Мазкур платформа мавжуд муаммолар бўйича онлайн мурожаатлар қабул қилиш, уларни тегишли давлат идораларига жўнатиш ва ижросини назорат қилиш, зўравонлик ва тазйиқдан ҳимояланиш борасида онлайн психологик маслаҳатларни бериб бориш, аёлларнинг ишга жойлашишига қўмаклашиш, уй-жойини таъмирлаш, уй-жой билан таъминлаш, ижара тўловлари учун компенсациялар тўлаш, ногирон аёлларга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа хизматларни кўрсатишни назарда тутди. 2023 йил якунига кўра, ушбу платформа орқали 490 111 та аёллар муаммоси аниқланган бўлиб, улардан 472 458 таси ўз ечимини топди.

Шуни таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг амалга оширилиши таҳлили шуни кўрсатадики, ҳукумат томонидан инсон капитални ривожлантиришда муҳим қадамлар ташланди, бу эса Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун муҳим омилдир. Бу фақат билим ва соғлиққа сармоя киритиш эмас, балки келажакда стратегик сармоядир, унда ақлли, соғлом ва мотивацияга эга инсонлар мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун етакчи куч бўлиб хизмат қилади.

Жамшид ШАРИПОВ,
Тараққиёт стратегияси
маркази бўлими бошлиғи

Азалдан жаҳонгирларнинг бир қондаси бор: “Бўлиб ташла ва ҳукмдорлик қил!”. Бу шафқатсиз қонда даврлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Кўпинча, ўз халқимиз вакиллари орасидан “шаҳарлик ва қишлоқлик”, “водийлик ва воҳалик” сингари айирмачилик кайфиятидаги гап-сўзлар қулоққа чалинганда, юқоридаги машъум қонда эсимга тушаверади.

Айни кунларда бир бетарбия кизнинг ўйлаймай-нетмай гапирган шалоқ сўзлари ортидан ижтимоий тармоқларда яна “собиту сайёра-лар” ҳақида баҳслар болалади. Бир томон “шаҳарликлар ўзи шунақа, вилоятдан келганларни кўролмайди” деб чиранса, иккинчи томон “ўша хурликнинг ота-онасиам ғирт келгинди экан-ку” деб лукма ташлайди.

Тўғри, бу икки тоифа орасида бир-бирига нохуш қарайдиганлар кўп. Шаҳарликлар орасида вилоятдан келиб, ўқиб, ишлаб юрганларга паст назар билан қарайдиганлар бугун ё кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Пойтахтга келиб, шу ернинг нон-тузини еб, туб аҳолини хушламайдиганлар ҳам топилади. Шу билан бирга қишлоқдан кеча келиб, бирга икки-уч кунда “шаҳарлашиб” олгач, қолганларга кўз кирини ташлагиси келмайдиганлар ҳам...

Шу ўринда икки воқеани эслаб ўтсам.

Биринчи воқеа: Талабалик пайтимизда бир курсдошимиз бошқа тошкентлик дўстларимизга қараганда ўта калондимоғлиги билан ажралиб турарди. Юриш-туриши, соч турмаги, кийим-кечак, хуллас ўша йилларнинг энг сўнгги русумида. Бошқаларни, айниқса, вилоятликларни назарига илмайди. Кўпгина курсдошларга қараб “санлани вилоятингдаям институт бор-у, ўшатга ўқимийсанлами?” деб очик мазамат қилган пайтлари ҳам бўлган. Унинг айирмачилиги хатто бошқа тошкентликларнинг ҳам ғашига тегади. Иккинчи курсда бир таҳририятга ишга кирдим. Бўлим бошлиғимиз биз билан бир тумандан экан, отамни, қариндошларимизни ҳам таниркан.

Қаерда ўқишимни билгач, «ие улимди курсдоши экансан-ку» деб қолди. Билсам, ўша «ғирт тошканлик» курсдошимизнинг отаси экан. Жуда самимий, жайдари инсон. Қизиғи, бу устозимиз умуман одам ажратмас, ҳамма билан бирдек чиқишиб кетаверар, ҳеч кимдан ёрдамни аямасди. (Кўпчилик таниши мумкин бўлган устозимизнинг исмларини ёзмай қўя қолай). Хуллас, эртаси куни ўша “крутой” курсдошимиз мени бир четга чакириб “ўртоқ, адам силани туманийладан эканла, сани адейниям биларканла, фақат илтимос, буни бошқалага этиб юрмагин” деб шипшиб кетгани ҳалигача эсимда...

Иккинчи воқеа: Ҳали ўқишни тугатмай уйланганман. Дарсдан

куни ишдан кечроқ қайтсам, уй кулф. Тўлғоқ эрталаб бошланган экан. Онахон ўзи “скорий” чакириб, ўзи бирга олиб кетибди... Туғруқхонага етиб борсам, холамиз худди ўзи набира кўргандек қувонч билан қарши олди: “Моро бўсин болагинам, қизчали бўлдиларинг, умри ва ризки билан берган бўлсин...”

...Орадан йиллар ўтиб, ўша файзли хонадонга холамизни кўргани бордим. Уйни ўрта ёшли эркак

кирпичок бўлди. Оқпошшо Туркистон томон от чоптирган кезларда Бухоро амири Қўконни конга ботирди. Бухоро амири Самарқандни ўрисларга бой берган онда, Қўкон хони Оқпошшога мактуб битиб, уни ғалаба билан кутлади. Бу икки ўзбек давлати эркини қўлдан бераётган дамда, учинчи давлат хони ўз хобгоҳида маишатдан бўшамади. Натижа эса маълум — бир юзу ўттиз йиллик истибод.

Аммо хануз кўзимиз очилмаяпти. Талабалик пайтимизда ётоқхонада “СурҚаш”, “СамБух”, “ФАН” сингари гуруҳларга бўлиниб, бир-бирига тиш қайрайдиганларни кўп учратганмиз. Афсус бу иллатлар ҳамон йўқолмаяпти. Ижтимоий тармоқларда “қурук”, “ҳарип”, “индеец” сингари ҳақоратомуз сўзлар билан бир-бирига тош отаётганлар ҳам аслида бир-бири билан

ИНСОНИЙЛИКНИНГ “ПРОПИСКАСИ” БЎЛМАЙДИ

чиқиб, ишга бораман. Кўпайиш арафасидаги ёш оиламиз, Қорақамишдаги бир онахоннинг уйида ижарада турамыз. Хонадон бекаснинг исмлари эсимда йўқ, аммо кўринишлари, бўй-баствлари раҳматли бувимга жуда ўхшаркан. Битта ўғли камоқда, қизи хорижда бўлгани учун бизни ўз болаларидек

очди. Онахоннинг ўғли камоқдан қайтибди. Аммо, ўзи бир йилча аввал бандаликни бажо келтирибди.

Хуллас, нима демоқчиман? Битта бемаъни одамнинг гап-гуфторига қараб, у туғилган худуднинг ҳамма одамларига баҳо бериш ҳам бемаънилик аслида. Инсонийликнинг “пропискеси” бўлмайди, меҳр-оқи-

кирпичок бўлиб, охир-оқибат ўрис босқинчисига қул бўлган боболаримизнинг бугунги авлодлари-да?

Дунёнинг энг қудратли давлатларидаги тараққиёт сири ҳам шундай иллатларнинг йўқлигида эмасмикин?

Германияда немислар “мен берлинликман”, “сен мюнхенликсан” дея ёқа бўғишишини, Францияда парижлик марселликка душман кўзи билан қарашини, Японияда токиолик префектурадан келган ҳамюртини “ҳарип” деб камситишини тасаввур қилолмайман. Аксинча бундай иллатлар бизга ўхшаган қўшни ва қардош ўлкаларда кўзга ташланади ва улар ҳам бу нуқсоннинг азобини кўп тортишган.

Тожикистонда олти йил давом этган биродарқушлик уруши ҳам асосан маҳаллийчилик туфайли, “фармлик”, “қўлоблик”, “помирлик”, “хўжандлик” сингари қарашлар ортидан келиб чиққан, натижада ўн минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилганди. Афғонистонда қирқ йилдан ортиқ давом этган қирғинбарот замирида нафақат сиёсий, миллий ёки диний, балки худудий қарама-қаршиликлар, маҳаллийчилик унсурлари ҳам бор эди.

“Эс борида этакни ёп”, дейди халқимиз. Битта халқ, битта юрт вакилимиз. Қорни тўқ, калласи бўш олифталарнинг ўринсиз валдирашларига эргашиб, бир-биримизга тош отишдан маъни йўқ. Бирлашмас эканмиз, бизни четда туриб, ҳар қадамимизни пойлаётган қашкирларга ем бўлиш қисмати кутади холос.

Рустам ЖАББОРОВ

Тожикистонда олти йил давом этган биродарқушлик уруши ҳам асосан маҳаллийчилик туфайли, “фармлик”, “қўлоблик”, “помирлик”, “хўжандлик” сингари қарашлар ортидан келиб чиққан, натижада ўн минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилганди. Афғонистонда қирқ йилдан ортиқ давом этган қирғинбарот замирида нафақат сиёсий, миллий ёки диний, балки худудий қарама-қаршиликлар, маҳаллийчилик унсурлари ҳам бор эди.

кўрарди. Икки хонали уйнинг балконида кечки пайт роса гурунглашардик, ёшлик чоғларидаги “Эски шаҳар хангомалари”ни кула-кула бизга айтиб берар, унинг ҳикоя айтиш услуби менга жуда манзур эди. Онахон кечаси билан хамир қорар, эрталаб сомса пишириб, Чорсуга сотгани олиб кетар, бизга ҳам икитагинасини ташлаб кетар, пулини берсак олмасди. Ижара пули ҳам гоҳида ойларга чўзилиб кетар, “хола, узр сал харажатлар кўпайиб қолди” десам, “э болам, ман санладан пул сўравомманми, топганинда берарсан” деб қўярди. Бир

бат жой танламайди. Шу билан бирга нодонлик, жаҳолат ҳам... Фақат ожиз, худбин, калтафаҳм инсонларгина ўз туғилган жойи, зоту зурёди билан фахрланади, бошқаларни ерга уриб, ўзини осмон чоғлайди. Бундай кимсалар қанча кўпайса, миллат шунча майдалашади, бошқаларнинг қўлида ўйинчок бўлади.

Ўтмишда ана шу бўлинишлар, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик сабаб халқимиз бошига не-не кўргиликлар тушмади. Учта ўзбек давлатига бўлинган бир бутун миллат, хонлару амирлар узоқ йиллар

Бу замонда қўйиб берсангиз, салкам ўзини авлиё, гений ҳисоблайдиган такаббурлар кўпайди. Интернет тармоғида кураш авжида. Очиғи, турли баҳс ва гап талашлардан кўнгили айнидаган даражага келди...

ЧЕКЛАНГАН ТАФАККУР

Ўзини донишманд санайдиган айрим «тили бузуқлар» ўзбек имловий луғатини алоҳида «қора» саҳифалар билан бойитишга ҳам улгуриб бўлишди. Бир замонлар биз шева, диалект, лаҳжа ва аргон, жаргонлар ҳақида таълим олганмиз. Жаргон ва арготик сўзлар ҳам ҳатто бир нави эди. Бу сўзлар ўғрилар, отарчилар, безорилар ва жамиятдан узоқ махсус гуруҳлар тилига хос бўлган махсус сўзлар эди. Бироқ уларни тилга олиш унчалик одамни хижолат қиладиган даражада бепарда эмас эди. Бугунга келиб эса, лақаб қўйиш, ҳақорат қилиш, бўҳтонга қоришган куракда турмайдиган сўзлар билан баҳсга ҳатто баҳс деб ҳам бўлмайди, даҳанаки жангга киришиш удумга айланди. Уларни ҳатто аргон ёки жаргондан бошқа қайси гуруҳга киритишни ҳам билмай ақлимиз лол... Энг даҳшатлиси эса бу тоифаларнинг аксариятини «донишмандликка, файласуфликка» давоси борлигидир. Уларнинг айримлари эса ноқис ақли, заиф иймони, ҳатто иймонсизлигини қош қилиб Яратганни ҳам муҳокама

қилишга ўтиб олишяпти. Ақли жойида одамлар эса бу каби тоифаларга яқинлашиб фикр билдиришни ор билишадди ва тўғри қилишяпти. Хуллас, инсонзоти чексиз ақл соҳиби бўла олмайди. Чунки чексизлик инсонга хос хусусият эмас. Ҳатто ақлнинг энг кульминацион нуқтаси ҳам чексизлик олдида ҳеч нарса... Фараз қилинг, бир инсон сценарий асосида мултфильм яратиб, ўз қахрамонларига номлар қўйиб, ўзи овоз бериб, нутқ бериб гапиртирди дейлик. Аммо мултфильмдаги куён ёки бўри мултфильм эгасига қарата мен сен ҳақингда кўп нарса биламан, мен сендан кўра ақллиман, мен ундай, мен бундай, деяверса, сценарий муаллифи роса қотиб кулади... Ва яратган асарини бир ғижимлаб ёндириб юборади, ёки яна бошқасини яратади... У

ўзини куён ёки бўри билан қиёслаб ҳам ўтирмайди. Чунки куён ва бўрининг сўзи ҳам, ижроси ҳам мултфильм соҳибининг ўз махсули. Шундай экан, чекланган ақл ва тафаккур соҳиби бўлган инсон ўзи яшаётган кичкинагина оламига мос ўлчаб берилган ақли билан қандай қилиб ўзига мутлақо дахли бўлмаган, улкан ва чексиз оламлар ҳақида фикр билдириши мумкин? Бу имконсиз. Чунки Аллоҳ ҳам юз фоиз илмининг атиги бир-икки фоизи билангина инсониятни қаноатлантирган. Биз У билганни билмаслигимизни тан олишимиз керак. Акс ҳолда, ҳалиги куён ва бўри каби кулгили ва ҳатто аянчли аҳволга тушиб қоламиз...

Сайёра ШОДИЕВА



ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.
Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

КУМУШ ТОЛА ЗАРГАРЛАРИ

Хабарингиз бор, жорий йилда пилла мавсуми бошланиши аввалидан давлатимиз раҳбари раислигида чарм ва ипак саноатида мавжуд имкониятларни ишга солиш, жойларда Сайхунобод тажрибаси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди.

Пилламиз-тилламиз

Унда ипакчиликдаги муаммо ва имкониятларга тўхталаниб, бу соҳага 7 йилда катта эътибор берилгани, кластер тизими жорий қилингани таъкидланган.

Шунингдек, Президент фармони билан пилла харид нархи 25%га оширилгани, пиллакорларнинг даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилингани, тутзорлар учун ер солиғининг 10%и тўланиши соҳада катта имкониятлар эшигини очди, дейиш мумкин.

Бу борада Тошкент вилояти Пискент тумани пиллакорларининг ғайрат-шижоатини алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг етиштирган кумуш толаси жуда салмоқли бўлди. Туман бўйича 2840 кути ипак қуртидан 168 тоннадан оширилиб пилла топширилди. Айниқса тумандаги “Раҳматжоннова Сарвиноз” фермер хўжалиги

пиллакорларининг улуши катта бўлди. Улар 16 қурт ипак қурти боқиб, 945 килограмм пилла топширишди. Натижада пиллакорлар 38 миллиондан ортиқроқ даромадга эришдилар.



— Пилладан мўл ҳосил етиштиришимизда барча пиллакорларнинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди биз билан суҳбада тажрибали пиллакор, етук мутахассис Санобар Жўраева, — Айниқса касаначиларимизнинг, фермер хўжаликлари меҳнатқашларининг енг шимариб меҳнат қилиши эвазига ана шундай мўл ҳосилга эришдик.

Ашурали БОЙМУРОД.



АМИР ТЕМУР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

(ёки кучли давлат орзуси)



Туркий адабиётда Алишер Навоийдек даҳо шоирни келтириб чиқарган омиллар кўп, албатта. Уларнинг ички ва ташқилари бор. Шулардан биттаси, менинг назаримда, Амир Темур қурган давлат билан белгиладнади. Ҳозир шу ҳақда гаплашамиз, фақат шу ҳақда.

“Қандай қилиб? Ахир, Навоий Темурдан анча кейин яшаган бўлса?” деганга ўхшаш саволларнинг тугилиши табиий. Вақтида мен ҳам бу тўғрисида кўп ўйлаган, юқоридаги каби саволларни ўзимга ўзим хўп берганман.

Навоийгача ўзи туркий бўлатуриб форсийда, арабийда ёзган не не улуғларимизни биласиз. Фитрат ҳам бу ҳақда куйиниб ёзган. Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби буюк олимларимиз, Низомий, Табризий, Румий, Дехлавий, Бедил каби улуғ шоирларимиз туркий оилада туғилишларига қарамай, кимлари арабийда, кимлари форсийда ёзишган. Тўғрироғи, илм араб, адабиёт эса форс тилларида бунёд этилган. Биз адабиёт ҳақида гаплашсак.

У пайтлар форсий тил назм тили эди, вазн, қофия, бадий санъатлар бобида ҳар томонлама ишланган

эди, бас, кудратли анъана бор эди. Шу даражадаки, анъанани казо-казо улуғ туркийлар ҳам буза олишмаган. У ўз мавридини кутаётган эди. Мавриди эса, Темур қурган давлат билан бирга келди. Яъники, киши ва жамият психологиясида инқилоб қилиш учун Темур ва у қуражак империя керак бўлди. Амир Темур уни қурди. Шундай қурдики, вақтида дунёда унинг тенги топилмади. Бу эса, туркий давлат билан бирга туркийларга тегишли неки бўлса, бари-барининг қаддини кўтариб қўйди. Бошқача айтганда, Темур, айниқса, туронликларга қарата “Тур, сен ҳам инсонсан, сенинг ҳам бу дунёда яшашга, ўз давлатингни барпо этиб, ўз тилингда гаплашишга ҳақ ва ҳуқуқинг бор!” деди. Буни у воситасиз эмас, балки восита билан, қурган давлати ва унинг шону шарафи ёрдамида айтди, албатта.

Ривоят: Шоҳ соч-соқолини олдираётган экан, кутилмаганда саргарош: “сизда қиз бор, менда эса ўғил, келинг, уларнинг бошларини бирлаштириб қўяйлик!” деб қопти.

Тасаввур қилинг: қуда бўлажакларнинг бири шоҳ, иккинчиси эса оддий бир фуқаро. Шоҳ индамапти,

зеро ўша аснода саргарошнинг кўлида тиғ, тиғнинг ёнида эса ўз бўғзи турган экан-да. Фақат саргарош ишини битириб кетгач, жосусларни уйига юбориб: “яхшилаб тинтиб кўринглар-чи, нима бор экан?”, дебди. Чунки у ғоят донишманд шоҳ бўлиб, саргарош журъатида бир сирли гап борлигини фаҳмлаган экан. Эл айтмоқчи, “бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур!”

Чиндан, саргарошнинг уйини қазишган экан, тупроқ остидан хум-хум олтинлар чиқиб келибди.

“Ҳа, – дебди шоҳ, – мана, сенинг тилингни нима ботир қилган!..”

Бу шунчаки қизиқ воқеа эмас, балки инсон психологиясининг пучмоқ-пучмоқларига тушишга ёрдам бергич жуда кучли ривоятдир.

Худди шу ривоят, назаримда, Навоий ва у каби улкан ҳодисаларнинг майдонга келиш сабабларини бир қадар очиб беради. Яъни румийларни туркийда ёзишдан тийиб турган тўсиқлардан бири психологик эди, Темур ана шу тўсиқни олиб ташлади, бас, Навоийнинг келиши осонлашди.

Зеро Темур бобо қурган давлат ана ўша хазина эди. Навоий бобо ун-

дан куч олди ва кимсан Низомийю Румийдек даҳолар журъат қилмаган ишга – асарларини туркий тилда битишга ботинди. Қўрқмади, зеро, у суйнадиган хазина бор эди. Хазинаки, туркий элнинг тил бойлигини, истеъдод кудратини “мана – у!” дея кўрсата оладиган.

Шу маънода, замонавий дунёда яна бир кучли давлат қуриш элимизнинг янгида янги даҳоларини дунёга танитади, дея баралла айтгим келади. Зеро, бу дунёда ҳамма нарса бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Ана, кейинги 10 йилнинг нари-берисида америкалик бир таржимон ўзбек ҳикоясини инглизчага ўғирар экан: “Наҳотки, бу ҳикояни ўзбек ёзувчиси ёзган бўлса!..” дея ишонқирамаган эди. Ишонқирамасликнинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўрайлик. Аслида, мен шу ҳақда ёздим.

Бас, маълум муддат бизнинг барча хатти-ҳаракатимиз ҳар томонлама кучли давлат қуришга қаратилмоғи лозим.

Улуғбек ҲАМДАМ,
ёзувчи



Biznesni
Rivojlantirish
Banki

QURBON
HAYITI

muborak bo'lsin!

www.brb.uz

1254